

Шеробод туманида 90 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.



Шеробод туманинг олис ҳудудларининг бири ҳисобланган "Чорбоғ" маҳалласи Оқтош қишлоғида ЎзРес Президентининг 2022-йил 13-апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш" қарори асосида лойиҳа қиймати 1 млрд 300 млн сўм бўлган 90 ўринли 42-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилоти янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди.

Ушбу маҳаллада 330 нафар 3-6 ёшгача бўлган болалар мавжуд бўлиб 90 нафари мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотига қамраб олиниши кўзда тутилган.

Очилиш маросимида туман ҳокими
ўринбосари М.Чориев, соҳа вакиллари, маҳалла нуронийлари ва фаоллари иштирок этишди.